

Бугунги

сонда

2-3 бетлар

ЖИНОЯТЧИЛИК БОРА-
СИДА ЯРИМ ЙИЛЛИК
МАЪЛУМОТЛАР

4-5 бетлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБ-
ЛИКАСИНING ҚОНУНИ

6-бет
ГОНКОНГДАН ЖУНА-
ТИЛГАН ТОВУТ
Жеймс Хэдди ЧЕИЗ

7-бет
Одам бўлиш қийин...

8-бет
Жаннатмакон «ОЙБУЛОҚ»

Бугунги

сонда

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН




ЎЗБЕКИСТОН ЖУМЎУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ 72—73.
(2492—2493).

1992 йил
29 ИЮЛЬ
ЧОРШАНБА
НАРХИ 4 СЎМ.



Республикамиз ҳукумати кейинги йилларда ички ишлар идораларининг моддий-техника таъминотида катта эътибор бермоқда.

Шу мақсадда давлат бюджетидан чет эл валютаси ажратилди. Бундан ташқари бир қатор ташкилотлар, муассасалар ҳам турли хил замонавий ускуналар сотиб олишга моддий ёрдам беришмоқда.

Бу оператив-қидирув ишларининг натижасига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Суратда: Яққасарой ИИБнинг жонқуяр ходими, милиция лейтенанти Низомиддин Одилов иш устида.

Моддий-товар бойликларни олиб чиқиб кетиш Давлат назоратининг Тошкент шаҳри бўлими ходимлари шу кунларда сидқидилдан меҳнат қилаётирлар. Уларнинг зийраклиги, топқирликлари орқали жумҳуриятимиз бойликларни бошқа мамлакатларга ўтиб кетмапти.

Суратда: шу бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Мутал Сафаров ноқонуний йўл билан республикадаги ташқарига олиб чиқиб кетаятганда қўлга олинган доир тўғрисида ўта қимматли оққуруқ шохини кўздан кечирмоқда.



Суратларни Б. МИРЗАРАҲИМОВ тайёрлаган.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1959 йил 21 майдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Вedomостлари, 1959 йил, 6, 3-модда) қуйидаги ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. Кодекс қуйидаги мазмунда бўлган 472-модда ва ўн учинчи — 1 боб билан тўлдирилсин:

«472-модда. Суриштирув идоралари, терговчи, прокурор ва суднинг жараён қатнашчилари ҳамда ўзга шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш борасидаги вазифалари

Жабрланувчига, гувоҳ ёки ишда қатнашаётган бошқа шахсларга, шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндош-уруғларига, ўлдириш, зўрлик қилиш, шахсий мол-мулкнинг йўқ қилиб ташлаш ёхуд мол-мулкка шикаст етказиш билан ёнгики ўзга ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинаётган, дейиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда суриштирув идораси, терговчи, прокурор, суд бу шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулкнинг муҳо-

фаза қилиш, шунингдек айбдорларни аниқлаш ҳамда уларни жавобгарликка тортиш юзасидан чора-тадбирлар кўришлари шарт.

Суд, прокурор, шунингдек терговчи ва суриштирув идораси прокурорнинг розилиги билан милиция идораларига ишда қатнашаётган шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, кадр-қиммати ва мол-мулкни муҳофаза қилинишини таъминловчи барча чора-тадбирларни кўриш хусусида ёзма равишда топшириқ беришга ҳақлидирлар.

Милиция идораси жиноий ишда хавф остида қолган шахсларга доир мавжуд маълумотлардан, бу хавфнинг эҳтимол тутилган характери, манбалари, жойи, вақти ва бошқа ҳолатлар ҳақида хабардор этилиши лозим».

биноан ёхуд суднинг ажримига кўра амалга оширилиши мумкин.

Жабрланувчига, гувоҳга, худди шунингдек уларнинг қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига нисбатан зўрлик қилиш, таъмағирлик қилиш ёки ўзга ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этиш таҳдиди мавжуд бўлган тақдирда ана шу шахсларнинг аризалари ёки ёзма равишда берган розилигига кўра прокурорнинг рухсати билан ёнгики суднинг ажримига биноан уларнинг телефонлари ё ўзга сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сўзлашувни эшитиш мумкин.

1602-модда. Телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа хил сўзлашувларни эшитиш тартиби

Терговчи ёки суриштирув идораси сўзлашувларни эшитиш, зарур ҳолларда бу ишга мутахассисни жалб этиши мумкин. Терговчи, суриштирув ўтказаятган шахс, прокурор ва судья топшириқ ёзади. Бу топшириқнома ижро этиш учун ички ишлар идораси ёки миллий хавфсизлик хизматининг сўзлашувларни эшитиш махсус бўлини маси (хизмати) раҳбарига юборилади.

Эшитилаётган маълумотларнинг характери ва ҳажми, шунингдек сўзлашувларни эшитишнинг бориши ва натижаларини қайд қилиш шакли суриштирув идорасининг, терговчининг, прокурорнинг қарорида ёки суднинг ажримида белгилаб берилади.

Телефон сўзлашувлари ва бошқа сўзлашувлар олти ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сўзлашувларни эшитиш ҳамда магнит лентасига овоз ёзиб олишда иштирок этаётганлар ўзларига маълум бўлиб қолган маълумотларни овоза қилганлик учун жавобгар бўлишлари хусусида огоҳлантириладилар.

1603-модда. Телефон орқали сўзлашув ва бошқа хил сўзлашувларни эшитишнинг фонограммаси ҳамда баёни

Телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сўзлашувларни эшитиш чоғида овоз магнит лентасига ёзиб олиниши мумкин. Эшитиш ўтказилганлиги ва магнит лентасига овоз ёзиб олинганлиги тўғрисида баён тузилиб, унда ишга тааллуқли сўзлашувлар фонограммасининг қисқача мазмуни ифода этилади. Фонограмма муҳрланиб, баёнга тикиб қўйилади, унинг ишга тааллуқли бўлмаган қисми эса ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин йўқ қилиб юборилади.

Сўзлашув эшитилганлиги ва овоз магнит лентасига ёзиб олинганлигига доир баёнда абонент рақами, сўзлашув эшитилган ва овоз магнит лентасига ёзиб олинган вақт, жой, бу ишларни бажарган шахсларга доир маълумотлар, шунингдек иш учун аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар акс эттирилади.

Сўзлашув эшитилганлиги ва овоз магнит лентасига ёзиб олинганлигига доир баён ушбу Кодекс 117-моддаси талабларига риоя этил-

ган ҳолда тузилади ва бу ишларни амалга оширган шахслар томонидан имзоланади».

2. 12-модданинг иккинчи қисми қуйидагича тахрирда баён этилсин:

«Бундан ташқари ўн олти ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятларига доир ишлар бўйича, ишда қатнашаётган шахслар ҳаётининг сир туттиладиган томонлари тўғрисидаги маълумотлар ошкор бўлишининг олдини олиш мақсадида жиноий алоқаларга доир ва бошқа ишлар бўйича, шунингдек жабрланувчи, гувоҳ ҳамда ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндош-уруғларининг хавфсизлигини таъминлаш манфаатлари талаб қилган ҳолларда суднинг асослантирилган ажримига биноан иш ёпиқ судда кўрилишига йўл қўйилади».

3. 13 ва 14-моддалар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«13-модда. Гумон этилаётган шахсининг, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоя ҳуқуқи таъминланиши

Гумон этилаётган шахс, айбланувчи ва судланувчи ҳимоя ҳуқуқига эгадир.

Суд, прокурор, терговчи ва суриштирув ўтказаятган шахс гумон этилаётган шахс, айбланувчи ҳамда судланувчига қонунида белгиланган воситалар ва усуллар билан ҳимояланиш имкониятини, шунингдек уларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлаб беришлари шарт.

«14-модда. Ишнинг ҳолатларини ҳар тарафлама, тўла ва ҳолис текшириш

(Боши. Давоми 4-5-бетларда).

ЖИНОЯТЧИЛИК БОРАСИДАГИ

ЖИНОЯТЧИЛИК ТАРКИБИ

Биринчи ярим йиллик якунлари жиноятчилик таркибига бир қатор ўзгаришлар киритди. Оғир жиноятлар сирасига кирадиган тажовузлар миқдори (37,9 дан 40 фоизга) ошди. Жиноий қидирув йўналиши бўйича рўйхатга олинган жиноятларнинг солиштирма миқдори 1991 йилнинг шу даврига нисбатан анча кўтарилди (66,7 ўрнига 69,6 фоиз).

Жиноий қидирув йўналиши бўйича қилинган жиноят-

лар орасида мулкрий, асосан давлат, жамоат (11,7 ўрнига 16,7 фоиз) ва шахсий (18,5 ўрнига 39,6 фоиз) мулкларни ўғирлаш миқдори ўсди. Шу билан бирга шахсга қарши жиноят қилиш (қотиллик, оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиш ва безориликлар) миқдори камайди (10,1 ўрнига 8,8 фоиз).

Иқтисодий соҳада рўйхатга олинган жиноятлар (24 ўрнига 23,2), шу жумладан чайқовчилик (23 ўрнига 21,7 фоиз) ва порахўрлик

(1,6 ўрнига 0,7 фоиз) камайди.

ЖИНОЯТЧИЛИК ДИНАМИКАСИ

Жиноятчилик динамикаси жорий йилнинг биринчи чорагида рўй берган деярли барча салбий кўринишлар мунтазам равишда ошиб бораётганидан далolat бермоқда. Ярим йил ичида рўйхатга олинган жиноятларнинг умумий сони 7,4 фоиз (ўтган уч ойда +7,0 фоиз эди) кўпайиб, 48 мингтадан ошди. Оғир жиноятлар сони янада жадал суръатлар билан ортиб (+13,3 фоиз; биринчи кварталда +11,6 фоиз эди), 20 мингга яқинлашиб қолди.

Жиноий қидирув йўналиши бўйича қайд этиладиган (+12 фоиз), шу жумладан оғир жиноятлар (+12,8 фоиз) тезкорлик билан кўпаймоқда. Бу давлат ва жамоат мулк (+59,3 фоиз), айниқса, дўконлар ва бошқа савдо нуқталаридан (+2,1 марта), шунингдек, хонадонлардан (+25,8 фоиз) мол-мулк ўғирлаш кўлами кенгайганлиги билан изоҳланади.

Вазиятнинг жиддийлашганлиги ўсмирлар ўртасида қонунни бузиш ҳоллари кўпайганлигига ҳам боғлиқдир: улар иштирокида содир этилган жиноятлар миқдори 10,7 фоизга кўпайди. Гуруҳлар таркибида қилинган жиноий тажовузлар миқдори (+27,4 фоиз) ўсишда давом этмоқда.

Жиноятчилик динамикасидаги ижобий жиҳатларга қуйидагилар киради, оғир тан жароҳати етказиш (—17,2 фоиз), босқинчилик (—6,2 фоиз), номусга тегиш (—17,4 фоиз), жиноий жазоланадиган безорилик (—12 фоиз) ва ўлим билан тугаган йўл-транспорт ҳодисалари (—21,4 фоиз) камайди.

Жамоат жойларида (—0,8 фоиз), шу жумладан кўчада қилинган жиноятлар (—1,6 фоиз), илгари судланган (—4,8 фоиз) ва маст-аласт шахслар томонидан қилинган жиноятлар миқдори (—12,8 фоиз) камайди.

Ҳамма ерда йўл-транспорт ҳодисалари (республика бўйича —18,6 фоиз) ва уларда ҳалок бўлганлар (17,5 фоиз) ҳамда жароҳат олганлар сони (—14,4 фоиз) ҳам қисқарди.

Ёнғинлар (—18,5 фоиз), шу жумладан турар-жойлардаги (—15,8 фоиз), ишлаб чиқариш объектларидаги (—14,4 фоиз), оғир тан жароҳати, базалар, савдо ташкилотлари (—14,8 фоиз) ва ижтимоий-маданий-маиший муассасалардаги (—30,8 фоиз) ёнғинлар сони камайди. Ёнғинларда ҳалок бўлган кишилар 29 нафарга (—22,3 фоиз) қисқарди. Шу билан бирга ёнғин оқибатида келтирилган зарар (асосан нарх-наво кўтарилиб кетганлиги туфайли миқдори 56,6 миллион сўмга (+7,5 марта) кўпайди. Йирик ва алоҳида йирик ёнғинлар миқдори ҳам (2 тадан 9 тагача) ошди.

Хоразм, Фарғона, Наманган, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида криминал вазият бошқа ердагиларга нисбатан анча номувоуқул. Ушбу вилоятларда рўйхатга олинган жиноятлар сони 26,4; 25,7; 21,7; 14; 12,2 фоиз кўпайган.

Жамоат жойлари ва кўчаларда содир этиладиган жиноятларнинг умумий миқдори камайганлигига қарамай, бу борадаги аҳвол ҳам кўнгилдагидай эмас.

Жиноят қилганлар орасида биринчи ўринда аввалгидек ҳеч қаерда ишламайдиганлар туришади. Уларнинг солиштирма миқдори 24,6 фоизни ташкил этади (1991 йилда 19,6 фоиз эди). Жиноятчиларнинг 23,6 фоизи гуруҳлар таркибида бўлишган (1991 йилда 20 фоиз), аёллар 13 фоиз, маст-аласт кишилар 10,3 фоиз, балоғатга етмаганлар 10,2 фоиз, илгари судланганлар 9,6 фоизни ташкил этишади.

ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЧИЛИШИ ВА ТЕРГОВ ИШЛАРИ

Ўтган даврда деярли ҳамма ерда жиноятларнинг очилиши яхшиланганлиги кўзга ташланади. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Наманган, Сурхондарё ва Жиззах вилоятлари ички ишлар идораларида бу борада аҳ-

вол бошқа ердагига нисбатан (80 фоиз) яхши (республика бўйича 73,7 фоиз). Энг оғир жиноят содир қилган кишилар кўпайиб қўлга олинди (бундай жиноятларни очиб чиқариш 1991 йилда 47,9 ўрнига 57,1 фоизни ташкил этди).

Жиноят қидирув бўлими ходимларининг иш ҳажми кўпайганлигига қарамай, қидирув ишларининг савияси ортди. 3898 та (62,5 фоиз) жиноятчи ва 2106 нафар (64,3 фоиз) бедарак йўқолганлар топилди.

Жиноятчиликнинг сифат жиҳатдан ўзгариши ўтган даврга хос бўлган муҳим белгидир. Уюшган жиноятчилик фаоллашмоқда. Ички ишлар идоралари ҳам ўз иш усулларини янги шароитга мослаштирмоқдалар. Улар томонидан уюшган ҳаракатлардаги 55 тадан ортиқ жиноят, шу жумладан 3 та қасддан қилинган қотиллик, 5 та босқинчилик, 3 та таъмағирлик, битта порахўрлик, 6 та ўғирлик очиб ташланди, таркибида 93 киши бўлган ва яхши уюшган 13 та гуруҳнинг қонунга қарши фаолиятига чек қўйилди. Жиноятчилардан 3,3 килограмм саноат тилласи, 2650 АҚШ доллари, 7 грамм илон заҳари, 8 та «Канон» ксерокси, 2 та гранатомёт (РПГ-8 ва РП-18), 2 та Макаров тўппончаси ва 20 миллион сўмлик пул ҳамда қимматбаҳо буюмлар тортиб олинди.

ИҚТИСОДИЙ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ АҲВОЛИ

Иқтисодий жиноятларга қарши кураш аҳволи оператив вазиятга таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланади. Ҳозирги пайтга ўқувсиз шахслар ўрнини етарлича билим даражасига эга, амалдаги қонунларда учраб турадиган камчиликларни яхши биладиган ва улардан ўз мақсадлари йўлида фойдалана оладиган жиноятчилар эгаллашмоқда. Бундай шахсларни, кўпинча эса уюшган гуруҳларни аниқлаш анча мушкул бўлиб, эскича иш усулларида воз кечишни тақозо этади.

ган болалар билан суҳбатлашсангиз улар ўз қилмишларини «ёмон иш» деб айтишади. Ҳа, бу ёмон, бироқ улар унинг кетидан тергов, суд... Жазо борлигига ақли етмаса. Сабаби нимада? Ўйлаймани ҳуқуқий тарбиянинг суст йўлга қўйилганлиги. Бир пайтлари, аниқроғи ўн йил олдин, республика телевидениясида «Ўсмир ва қонун» деган кўрсатув бўларди. Ойда бир марта эфирга чиқса ҳам, бор эди.


Ундан ташқари шахсий талаб нуқтан-назаридан ҳаётга қараётган айрим ота-оналар болаларини ҳам шу руҳда тарбиялашлари оқибати яхшиликка олиб келмайди. Шунинг учун ҳуқуқий тарбия нафақат ўсмирларга, уларнинг ота-оналарига ҳам керак.

Хуллас янги авлод — бизнинг эрта кунимиз — ҳалол меҳнатни танилаш ҳаммамизга боғлиқ. Эртага кеч бўлмасин.


Мақолани тугатиб бўлганимда Олмалик шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимида хабар келди. Бўлими ходимлари «Ўзбекспорт»га қарашли 34-сон дўкон филиалидан дераза ойнасини синдириб 16 минг сўм нархдаги мол ўғирлаган 14 ёшли А.Д.ни қўлга олишибди.

Элшод РАҲМАТОВ.

ЖИНОЯТЧИЛИК ТАРКИБИ
1992 й. 6 ой.



ЖИНОЯТЧИЛИК ДИНАМИКАСИ



ЯНГИ АВЛОД НИМАНИ ТАНЛАЙДИ?

Бу воқеага анча йиллар бўлди. Мактабда ўқир эдим. Пионер дружинасининг мажлисига (тадбир аҳамиятини кўтариш мақсадида бўлса керак) ота-оналар таклиф қилинган. Синф бузилар (оталар ўрнига) ва оналарга тўлди. Кун тартибига фақат бир савол — синфдошимизнинг хулқини кўриб чиқиш қўйилганди. Президиумда синф раҳбаримиз, балоғатга етмаганлар билан ишлаш инспекциясининг инспектори (ўша пайтлари болалар хонаси деб аталарди), мактаб пионер вожатийси. Дружина фаоллари эса, оналари билан пастда.

Сўзга чиққан пионерлар сардори синфдошимиз кабутар боқиб, бозорда уларни сотаётганини, шу билан у пионер шайига доғ тушираётганини айтди.

— Порлоқ келажакда яшашга сазовор бўлганлар бундай иш тутиши яхши эмас. Капитализм дунёсида болалар оч қолмасликлари учун пул ишлашга мажбур, — деб гапини тугатди сўзга чиққан пионерлардан бири. Шу пайтда синфдошимизнинг онаси тор қора партадан турди-да синфдан чиқиб кетди...

Мана, биз ҳам улғайиб ўзимиз ота бўлдик. Шу йил ўғлим Дилёр 8 синфга боради. Бир йилдан буён у аквариумда балиқ боқиб кўпайтиради ва зоомагазинга топширади. Кўп бўлмаса ҳам ўзига яраша пул топа бошлади. Мактабда ўқиш бошлангунча у-бу нарсга сотиб олмоқчи. Ҳалол пул ишлаш учун меҳнат қилиш кераклигини билиб олди. Ундан ташқари жониворлар ҳаётига оид китоблар ўқийди.

Мени ўйлантирадиган нарсаси: не сабабдан оғзидан она сuti кетмаган айрим болалар осонгина пул топгиси келади. Шу мақсадни рўёбга чиқариш учун ўғирликка (аниги жиноятга) қўл уришади?

Ҳалимиз қуруқ бўлмаслиги учун Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси навбатчилик қисмига келатган хабарларнинг бир нечаси билан танишайлик.

Ғулистон шаҳрида икки дўст — 5 синф ўқувчилари К.Я. ва Р.М. қоронғу кечада «Спорт моллари» 35-сон дўкон томонидан ичкарига киришиб, кийим-кечак ва пул олишади. Шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўли-

ми ходимлари уларни жиноят устида ушлашган.

Элликқалъа райони ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими соқчилари участка бошлиғи А. Сатимов ва қоровул М. Илмуродов кечаси объектларни кўздан кечириб юрганда дераза ойнаси синганини эшитиб, «Бўстон» дўкони олдиға югуриб боришса, ичкарида кимнингдир шарпасини кўришади. Вақтин бой бермай қўриқлаш бўлими тезкор гуруҳини ва дўкон маъмурияти вакилини чақиради. Ичкаридаги шахс бешикчи синф ўқувчиси А.К. экан. Қўриқдан кўзлари ёшга тўлган ўсмир ўғирлаган нарсаларни қучоқлаган ҳолда бурчақда яшириниб ўтирарди.

Фарғонада 11 ёшли А.Т. ва 9 ёшли С.Ш. «Олимпия» универсал дўкониға яшириниб олишади. Иш кунини тугаб дўкон ёпилганда болалар «овга чиқишади». Улар 8 минг сўмлик чет эл магнитофонини, 1 минг 900 сўмлик плейерни ва 12 минг 621 сўм нақд пулни ўмаришиб ташқарига чиқай дейишса ҳамма эшиклар қулф. Шунда улар ойнани синдириб қочиб режасини тузишди. Ойнани синдиришди ҳам,

аммо қўриқлаш бўлими 1-сон марказлашган қўриқлаш пултиға уланган ташвишгоҳ ишлаб кетди. Омади келмаган ўғирлар бир неча дақиқадан кейин тезкор гуруҳи қўлга тушишди.

Балоғатга етмаганлар нафақат ёпиқ ёки очик дўконларга ўғирликка тушишяпти. Кичик дўконлар, устахоналар, рўзнома дўконлари уларнинг назаридан четда қолмаяпти. Кечаси соат иккиларда Янгийўл райони ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционерлари милиция катта сержантлари К. Пиримкулов, А. Тошматов ва Жолдасовлар соатсоз устахонасидаги шарпаларни сезиб қоллишди. Қочиб кетиш йўллариини тўсиб 6-синф ўқувчиси Т.Х. ва 5-синфда ўқийдиган С.Н.ларни ушлашди.

Ғулистон шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими милиционерлари А. Абдиев, Ш. Сатторов ва У. Қосимовлар қўлга тушган К.К. ва Н.М. соатсоз устахонасидан «Слава», «Ракета», «Луч» соатларини, соат тугатадиган асбобларини қўнтакларига яширишга улгуришган эканлар.

Мана шу ножўя йўлга ўт-

МАЪЛУМОТЛАР

Бу борада айрим ютуқлар мавжуд: жиноятларни очишнинг умумий миқдори кўпайди (+3,1 фоиз), шу жумладан ўғирликлар (+6,2 фоиз), йирик ва алоҳида йирик ўғирликларни (+25 фоиз) очиш ва улар юзасидан жиноий иш қўзғатиш даражаси ҳам ошди. Шу билан бирга, баъзи объектив сабаблар туфайли чайқовчилик (—1,9 фоиз) ва порахўрликка қарши кураш (—57,1 фоиз) су-сайди.

ИИБ ҳузуридаги моддий-товар бойликларини четга олиб чиқишни текширувчи Давлат назорати бўлиналари республика иқтисодиётига сезиларли улуш қўшмоқдалар. Бу хизмат ходимлари республика ҳудудидан четга олиб чиқиб кетилаётган 530 миллион сўмлик маҳсулот ва хом ашёни ушлаб қолишди. Уларнинг 41,5 миллион сўмлигини озиқ-овқат маҳсулотлари, 153 миллион сўмлигини катта талабга эга бўлган са-ноат моллари, 21,7 миллион сўмлигини қурилиш мате-риаллари ташкил этади. Қо-нунбузарлардан давлат фой-дасига 160,8 миллион сўм-лик қимматбаҳо буюмлар мусодара қилинди. 5970 ки-ши, шу жумладан 374 амал-дор шахслар маъмурий жа-вобгарликка тортилди. Бу хизмат ходимлари иштиро-кида 260 та жиноят очилди.

Кейинги пайтларда кенг тарқалган мулкий жиноят-ларни олдини олиш кўп жи-ҳатдан республиканинг «Қў-риқлаш» бирдашмаси иши-нинг самарадорлигига боғ-лиқ. Ўтган ярим йил мобай-нида ушбу бирлашма 2 мингдан ортиқ объектни қў-риқлаш-ёнгиндан асраш ус-куналари билан жиҳозлади, деярли 5 мингта хонадон марказлаштирилган қўриқ-лаш пултига уланди, 25 минг хонадонга махсус гап-лашиш мосламалари (уй эга-лари билан уларни кел-ган меҳмонлар ўртасида) ўр-натилди. Ҳозирги пайтда 25.990 хўжалик объекти ва 29.630 хонадон шу йўл би-лан жиноятчилардан қўриқ-ланмоқда. Уларда ўғирлик-деярлик содир бўлмаётган-

лиги бу усулнинг ишончли-лигидан далолат беради.

ХУЛОСА

1992 йилнинг иккинчи яр-мида ҳам жиноятчиликнинг ошиши давом этади. Улар мулкий жиноятлар ҳисобига ошиб боради. Шу билан бирга шахсга қарши қилина-диган жиноятлар сони нис-батан муқобиллашади. Ўғир-ланган пул миқдорини аниқ-ловчи тушунчалар қайтадан кўриб чиқилмаса, оғир жи-ноятлар сони кўпаяди.

Асосий истеъмол молла-рининг нархи кескин кўта-рилиши туфайли оғир аҳ-волга тушган бозор муноса-батлари шароитида тақрорий жиноятлар фаоллашиши ку-тилмоқда. Мулкчилик шакл-ларининг ўзгариши илгари судланган кишиларнинг иш-га жойлашишини янада қи-йинлаштиради, зеро корхона раҳбарлари бу масалада ил-гари ҳам ёрдам беришдан бўйин товлардилар. Ишла-майдиган одамлар жиноят қилишга кўпроқ мойил бў-лишлари ҳаммага маълум гап. Агар уларга нисбатан бўлган муносабат ўзгарма-са, мазкур йилда эълон қи-лингган амнистия ҳам иш-сизлар сонини кўпайтириши мумкин.


Қонунбузарлар «давраси» балоғатга етмаганлар ҳисо-бига бирмунча кўпаяди. Бу ҳол оператив вазиятдаги салбий кўринишлар ичида энг муҳим жиҳатлардан би-ридир.

Иқтисодий соҳадаги жи-ноятларни аниқлаш ва ол-дини олиш аҳволи ҳозирги кескин вазиятга мос бўлмай, турли-туман ғаразли суи-истеъмолчиликларнинг тар-қалишини кучайтириши мум-кин. Шунинг учун вазиятни яхшилашга қаратилган ке-чиктириб бўлмайдиган чора-гадбирлар кўриш зарур. Уюшган жиноятчиликнинг роли ошиши кутилмоқда. Кўпчилик жиноятлар қурол ишлатиш йўли билан содир этилади.


Салбий тенденциялар кучайишини бўшаштириш учун ички ишлар идоралари то-монидан барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ИИБ ШТАБИ.**

СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР
ДИНАМИКАСИ



ЖИНОЯТ ҚИЛГАНЛИГИ АНИҚЛАНГАН ШАХСЛАРИ СОНИ БЎЙИЧА
СОЛИШТИРМА МИҚДОРЛАР



Қизиқарли асар нашрга муҳтож

Кун тартибига битта — ИИБ ярим йиллик иш яку-ларини чиқариш масаласи қўйилган эди. Генералнинг ҳисобот маърузасидан сўнг минбарга оператив-қидирув бўлимининг бошлиғи чиқди. У ўз сўзида бошқарма ва биринчи навбатда бошқарма бошлиғини танқид қила бош-лади. Бу биринчи марта юз бераётган эди. Зеро камчи-ликлари ҳақида одамнинг юзига айтиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ошкоралик ҳақида ҳам у пайтларда ҳеч ким оғиз оч-масди. Бошлиқнинг одатдаги саёз маърузасига қарши ўлароқ аччиқ ҳақиқат, ян-гради, ўша пайтда бошқарма-да рўй бераётган номаъқул-чиликлар, кўзбўямачилик, қўлиб ёзишлар, қонунни бу-зиш фактлари ҳақида нотик оқи-қотини гапирарди. Ўзининг ўтмишидаги энг яқин ўртоғининг башарасига бур-ни кўтарилиб кетганлиги, одамларга нисбатан қўпол муносабатда бўлаётганлиги ҳақида гапириб кимга ҳам ёқарди дейсиз?

Аваллига залда миқ этган товуш эшитилмади. Сўнгра

«партком секретари» (ўша пайтда шундай аталарди)-нинг: «Гапириб вақтингиз тугади» деган овози эшитил-ди.

Охири генералнинг сабри чиндамади:

— Сафсатабозликни бас қилинг, — деб кичикрди у.

Худди буйруқ берилган-дай залдан: «Вақтингиз ту-гади», деган овозлар ёғилиб кетди.

Лекин минбардаги киши аниқ далиллар келтира бош-лагач, зал жим бўлиб қолди, бошқа ҳеч ким унинг гапи-ни бўлмади.

Бу воқеа 1970 йилнинг 15 июлида бўлган эди. Олт-мишинчи йилларда кўпчилик қарши бўлишга қарамай, республика ҳукумати опера-тив-қидирув хизматини таш-кил этиш тўғрисидаги так-лифни қўллаб-қувватлади. Орадан кўп ўтмай, бу хиз-мат ўз самарасини бера бош-лади. Кўп йиллар давомида қочиб юрган ўилаб жиноят-чилар қўлга олинди. Энди-гина ташкил этилган опера-тив-қидирув хизматининг хо-димлари фақат жиноятчи-ларни тутиб олиш билангина

чекланмай, қонунга хилоф равишда қамалганларни оқ-лаш иши билан ҳам шуғул-ланишди. Масалан, гўё ўт қўйиб йўли билан дўкондан катта пул ўғирлаган деб Пётр Пак устидан жиноий иш қўзғатилган эди. Ва у прокурор кўрсатмасига би-ноан Грозний шаҳрида қўл-га олинди. Аммо оператив-қидирув хизмати ходимлари у бундан уч йил аввал ре-спублика ҳудудидан чиқиб кетганлиги ва жиноятга ҳеч қандай алоқаси йўқ эканли-гини исботлаб беришди. Бу ушбу хизмат ишидан бир мисол, холос.

Ички ишлар идорасининг фахрийси А. Гуляниц қала-мига мансуб «Отишмаларсиз жаңглар» қиссаси кўп жи-ҳатдан милиция ходимлари ҳақидаги одатий ҳикоялар доирасидан чиқиб кетади. Бу китоб ёшлар учун ёзил-ган бўлиб, ўтмиш тажрибаси, қонун ва жамоат тартибини муҳофаза этувчиларнинг қўдалик ишлари тўғрисида ҳаққоний ҳикоя қилувчи асардир. Биз бутун кекса милиция ходимларининг таж-рибаси ёшларга жуда ҳам

зарурлиги ҳақида кўп гапи-рамиз. Ушбу китоб жуда бой ҳаётий тажрибага эга, ички ишлар идораларида кўп йиллар давомида хизмат қилган кекса милиция ходими қаламига мансуб. Асэр ёш милиция ходимларига ўта зарур тажриба дарси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ун-да келтирилган ҳамма да-лиллар ҳужжатларга асос-ланган бўлиб, барча воқеа-лар ёрқин, тушунарли шакл-да баён қилинган.

Хўш, гап нимада? Далил-ларга ўта бой бу китоб ни-ма учун ҳозиргача босил-масдан ётибди? Афсуски, воқелигимиз бу борада ҳам ҳар хил тўсиқлар қўймоқда, яъни китобни чоп этиш ха-ражатларини қоплаш бирги-на муаллиф — А. Гуляниц-га оғирлик қилмоқда. Ки-тобни эълон қилиш эса ўта зарур. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, у ёш мили-ция ходимларига жуда фой-дали. Милиция фахрийсига ким ёрдам бера олади?

А. Гуляниц милиция сер-жантдан ички хизмат под-полковнигигача бўлган йўл-ни босиб ўтган. Арманс Гри-

СИРДАРЕ

НАФС БАЛОСИ

Азизжон Содиқов Гулис-тон шаҳар озиқ-овқат савдо-си ташкилотига директор бўлиб ишларди.

Шу йил 24 июнь кунини вилоят пахта саноати бир-лашмасидан тўрт тонна ша-кар келтиришди. Директор эса бунинг омборга тушири-ни буюрди. Унинг шундай бозори чаққон молни ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ халққа тарқатиш нияти йўқ эди, улар «шапка»сини бе-ришмайди-да.

Эртаси кунини эса 4 тонна — 80 қоп шакарини ҳар қо-пини 2000 сўмдан, жами 160.000 сўмга С. Аҳмедов-га сотиб юборди. Шундан сўнг қилган ишининг орқа-сини текислаш мақсадида 2 июль кунини шу ташкилот кассири Ритани чақириб, ун-га ўз ёнидан 11.200 сўм пул чиқариб берди:

— Бунинг 21-дўкон сотув-чиси Мўйдиннинг номига кириш ордери орқали ҳуж-жатлаштиринг.

Бу буйруқ қулоқ қоқил-май бажарилди.

Эртаси кунини директор яна кассирни қўлига 30 минг пул тутқазиб, ўша Мўйди-новнинг номига ҳужжатлаш-тиришни буюради.

Шундай қилиб А. Соди-қов 160 мингнинг 41 минг 200 сўмини кассага қўяди ва қолган 118 минг 800 сўмини ўзлаштириб юборади.

А. Содиқов Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 149-моддаси 2-қисмидаги ва 118-моддаси 3-қисмидаги жиноятларни содир этган-ликда айбланиб ҳибсга олин-ди.

Менинг нафсим балодур, ёнган ўтга салодур, деб шу-ни айтишса керак-да.

Б. БЕКБАЛОВ.
Гулистон шаҳар ИИБ
терговчиси, милиция ка-питани.

горьевич ҳозир ҳам ижодий кучга тўла. Шунинг учун у бундан бир неча йил му-қаддам одамлар тинчлиги-нинг посбонлари ҳақида ҳи-қоя қилувчи асарга қўл ур-ди. Ҳозир ҳам ички ишлар орган идораларида ишла-ни давом эттираётган кўпчи-лик ходимлар қисса қаҳра-монлари тимсолида ўзлари-ни кўришлари мумкин. Му-аллиф ҳикоя қилаётган давр оғир ва ташвишли йиллар эди. Ҳозир баъзилар ўтми-шимиздан воз кечиб, уни фа-қат қоралашга уринмоқда. «А. Гуляниц эса ёлғонни сир-қаси кўтармайдиган ва бўҳ-тон ёнидан бепарво ўтиб ке-та олмайдиган кишилар си-расидан. Бунинг у виждонли меҳнати ва бутун ҳаёт тарзи билан исбот қилган.

И. ДАНЧЕВСКАЯ.

Китобни нашр этиш би-лан боғлиқ ҳаракатларни рўзномасиз таҳририяти жон деб ўз зиммасига олар эди-ю, аммо ўзимиз ҳам оғир иқтисодий шароитда-миз. Шунинг учун барча ич-ки ишлар идоралари бўли-маларига ҳамда моддий жи-ҳатдан ёрдам беришга им-кони бор ташкилот ва муас-сасаларга ушбу қизиқарли китобни нашр этишга ёрдам беришларини сўраб мурожа-ат қилаётимиз.

Ижод

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

— Ўзингиз тушуниб турибсизки, мистер Рейн, мен кекса одамман. Юрагимдаги олов сўна бошлаган. Тез чарчайман. Қотилни таъқиб қилишга қурбим етмайди, ма-на шунинг учун сизни ча-қиртирган эдим. Сиз ҳам манфаатдор томонсиз. Бу аёл сизнинг хонангиздан топилган. Қандайдир сабабга кўра қотил барча масъулиятни сизга ағдаришга уринган. Сизга яхшигина ҳақ тўламоқчиман. Сиз бу ода-мни топа оласизми?

Энг осон йўли рози бўлиш ва пулни олиб, қотил Рет-никнинг қўлига тушиб қол-масмикан деб кутиб ўтириш эди. Лекин бу менинг та-биатимга мутлақо хилоф нарса. Қотилни топа ола-манми? Унчалик ишончим йўқ.

— Тергов билан полиция шуғулланмоқда. Фақат уларгина бу кишини қиди-риб топишлари мумкин — менинг қўлим калта. Изқу-варнинг қотилликка алоқа-дор ишлар билан шуғуллан-ишга ҳаққи йўқ. Ретник бу ишга бошқаларнинг ара-лашишига йўл қўймайди. Унинг гувоҳларини сўроқ қила олмайман. Ретник ҳам бунга қарши туради, мен эса ўзимга ортиқча гавго орттираман. Пулларингизни олиб, ҳожатингизни чиқа-ришни қанчалик истамай, мистер Жефферсон, бу иш-ни зиммамга ололмайман.

У ажаблангани йўқ, ле-кин сўзидан ҳам қайтмади.

— Ҳаммасини тушуна-ман. Ретник — аҳмоқ. Ўй-лашимча, у ишга қайси то-мондан киришни ҳам билмас керак. Мен унга Гонконгдаги Британия ҳо-кимиятига телеграмма йўллаб, бу аёл тўғрисида бирор маълумот олишни таклиф этдим. Зеро у ҳақ-да Хитойдан қочиб келгани ва ўғлимга турмушга чиқ-қанидан бошқа ҳеч нарса билмаймиз. Мен бу ҳақда бир йил олдин ўғлимдан келган хатдан биламан, — у яна узоқларга тикилиб қолди. — Ўйлаётганини маън этиб, тентаклик қил-дим албатта. Ўшандан бе-ри бошқа хат келгани йўқ.

— Британия полицияси унинг тўғрисида қандайдир маълумотга эга деб ўйлай-сизми?

— Балки, лекин эҳти-молдан йироқ. Ҳар йили юз мингга яқин шундай бахти қаролар Гонконгга келиша-ди. Уларнинг на ватани, на ҳужжатлари бор. У ер би-лан менинг борди келдим бор, шунинг учун вазиятни билмоқчи бўлдим. Тушун-шимча, аҳвол қўйидагича: қочоқлар зимдан иш кў-рувчилар — контрабандис-ларнинг қайиқларида Хи-тойдан Макаога сузиб ўта-дилар. Макао эса, сизга маълумки, Португалия-нинг ҳудуди. У ерда одам-ларнинг бундай оқимини эплай олишмайди. Қочоқ-лар Гонконгга кетаётган жонка (хитойликларнинг елкакли кемалари)ларига ўтириб олишади. Гонконг яқинидаги денгизни Бри-тания полицияси қўриқ-лайди, аммо хитойликларга бас келиш осон эмас. Жон-кани сезиб қолишса, соқчи-лар уни қува бошлайди-лар. Лекин орол яқинида доим балиқчиларнинг юзлаб жонкалари туради. Қочоқ-лар жойлашган жонка, одат-да балиқчиларнинг қайиқ-ларига аралашиб, улар ора-сида йўқолиб кетишга ул-гуради. Полициянинг қўли-дан ҳеч нарса келмай қола-ди.

Британия ҳукумати улар-га ён босади албатта, нима бўлганда ҳам ҳозир уларда аҳвол чатоқ ва одамлар умумий душмандан қочиб келишади. Агар жонка Гон-

конг тасарруфидаги сув-ларга кириб олса ҳам уни ҳеч ким қидирмайди. Поли-ция: бу бечоралар шунча-лик узоққа қочиб келиш-нинг уддасидан чиққанлари-дан сўнг, орқаларига қайта-риб юбориш одамгарчилик-дан бўлмайди, деб ҳисоб-лайди. Улар она юрлари, қариндош-уруғидан ажрал-ган ночор бир ватангадо-лардир. Ҳужжатлари йўқ. Британия полицияси янги ҳужжат беради, лекин улар-нинг ҳақиқий исм-шарифла-рини аниқлашнинг иложи бўлмайди. Гонконгда улар учун тамомила янгича ҳаёт бошланади, ҳатто исмлари ҳам ўзгаради: гўё онадан ян-гитдан туғилгандай. Ўғ-лимнинг хотини ана шундай-лар тоифасидан бўлган. Агар биз у ким бўлгани ва насл-насаби қандайлигини била

лашга мослаштирилган хо-надан топдим. Унинг столи-да қалин чек дафтарчаси ва бир тўп пуд ўтказиш қоғоз-лари ётарди. Мен кирганим-да Жанет чек тўлдириш би-лан овора экан. У менга зийрак кўзларини тикиб, ку-лимсираб қўйди-да, ўтириш учун стол ёнидаги курсига ишора қилди.

— Гонконгга кетишга ҳо-зирлик кўрясизми, мистер Рейн?

— Шунақага ўхшайди, лекин дарҳол кета олмасам керак. Агар ҳаммаси жойи-да бўлса, ҳафтанинг охири-да учиб кетишим мумкин.

— Чечакка қарши эмла-нингиз керак бўлади. Ва-бога қарши ҳам эмланишин-гиз зарур эди-ку, аммо бу шарт эмас.

— Эмланишга келсак, ҳаммаси жойида, — ситарет

сандман, у менга яхши хо-тин бўлади. Ҳамма жойдан уй ахтараялман, лекин бу қийин иш, нарх-наво кўтари-либ кетган. Биз шу ердаги меҳмонхонага жойлашмоқчи-миз. Баъзи томондан бу қу-лай, лекин мен ўз уйим бў-лишини истар эдим.

Оқ фатиҳа берасан деган умиддаман. Агар сенда уй учун чек юбориш истаги ту-ғилиб қолса, биз чин кўнгил-дан хурсанд бўлардик.

Абадий сенинг Германиянг? Мен хатни четга суриб қўйдим.

— Бу унинг сўнгги хати эди, — деди секингина Жа-нет. — Мистер Жефферсон-нинг жуда жаҳли чиқди. У уйланишни таъқиқловчи те-леграмма жўнатди. Шундан сўнг у ўғлидан бошқа ҳеч нарса олгани йўқ, ўн кун ав-вал эса мана бу келди.

У менга арзон, ён дафтар-чадан йиртиб олинган, сан-дал ҳиди бир оз аниқ тур-ган қоғозга ёзилган хат узат-ди. Дастхат қинғир-қийшиқ бўлиб, ўқиш қийин эди.

«Самовий салтанат» меҳ-монхонаси, Вэнчай.

«Жо-Эн Жефферсон».

Кеча Герман вафот этди. Автомобиль ҳалокатига уч-ради. У ўзини уйда дафн қи-лишларини исташи ҳақида кўп гапирар эди. Менда пул йўқ, лекин сиз юборсангиз, уни олиб борардим ва уни ўз хоҳишига биноан кўмиш мумкин бўларди. Уни бу ер-да дафн қилиш учун менда пул йўқ.

«Жо-Эн Жефферсон».

Хат мени ларзага солди, зеро тўсатдан эрининг жаса-ди ёнида ёлғиз қолган, дафн этиш имконияти йўқ, бор умиди қайнотаси раҳм қи-либ, жонига оро киришини кутиб ўтирган муштирап хи-тоилик қиз кўз ўнгимга кел-ди.

— Кейин нима бўлди?

Жанет олтин пероли руч-касини бир четга қўйди. Унинг ўйчан кўзларини ту-ман қоплаб, янада маъюс-лашди.

— Мистер Жефферсон хатнинг ҳақиқийлигига ишон-мади. У бу аёл пул ундир-моқчи, ўғли эса ҳалок бўл-маган, деб тахмин қилди. Мен Гонконгдаги Америка консулига қўнғироқ қилдим ва Герман автомобил фало-катида ҳалок бўлганини бил-дим. Шундан сўнг мистер Жефферсон жасадни юбо-ришни сўраб, аёлга хат ёзишни буюрди. У аёлга Гонконгда қолишни таклиф қилди ва унга мунтазам тў-лаб туриладиган нафақа бел-гилади, лекин, ўзингизга маълумки, у тобут билан бирга бу ерга келган. Аммо негадир бизникига киргани йўқ.

— Жасад қаерда?

Бирданига ҳаёлимдан Жа-нет ўзини усталик билан вазмин тутмаптимикан де-ган фикр ўтди. Унинг асаб-лари қаттиқ тортилганини сездим, аммо бу ташқи қиё-фасидан мутлақо билинмас-ди.

— Дафн маросими индин-га бўлади.

— Герман Гонконгга қай-си маблағ ҳисобига кун кўр-ган?

— Биз билмаймиз. У ўша ёққа кетганида отаси уни экспорт ширкатларидан би-рига бошқарувчининг ёрдам-чиси лавозимига жойлашти-риб қўйган эди, аммо ярим йил ишлагач, бўшаб кетган. Шундан сўнг нима билан шуғулланаётгани ҳақида ота-сига бирор нарса айтмади — фақат пул сўрарди.

— Мистер Жефферсон ўғлининг илтимосини қонди-рармиди?

— Албатта. Қачон сўра-масин, доим пул жўнатарди.

— Хатлардан кўришиб ту-рибдики, Герман йилда бир марта пул сўраган. Юбори-ладиган пул қанча бўларди?

— Беш юз доллардан ош-масди.

— Бунга бир йил яшаб бўлмайди. У яна қаердадир ишлаб, пул топган бўлиши керак.

— Шунақа, деб ўйлайман. Ийтимни қашлаганимча, деразага қараб, фикр-хаё-лимни жамлашга ҳаракат қи-лардим.

— Бу жуда кам, шундай эмасми? — дедим ниҳоят ва шу заҳотиёқ, унинг ҳаяжон-ланганини сезганимдан бери тилимнинг учидан турган са-волни бердим. — Сиз шахсан Герман Жефферсонни танир-мидингиз?

Саволим унга ғалати таъ-сир қилди. У донг қотиб қолди, кўзларидаги ўйчан-лик бир зумга йўқолиб, яна қайтди.

— Хўш, нима бўпти? Би-лардим, албатта. Мен саккиз йилдан бери мистер Жеф-ферсон хизматидаман. Гер-ман Шарққа кетганига қа-дар шу ерда яшар эди. Ҳа, мен уни билардим.

— У ўзи қанақа одам эди? Отасининг гапига қара-ганда ўзбошимча йигит бўл-ган, лекин айтишча, агар у ўз ўғлини яхшироқ тушунга-нида Герман бошқачароқ одам бўлиб етишар экан. Сиз нима дейсиз?

Жанетнинг кўзлари тўсат-дан чарақлаб, унга хос бўл-маган қатъият касб этди.

— Ўғлининг ўлими мис-тер Жефферсонни ларзага солди, — унинг овози кескин эди. — Унинг кўнгли бир оз бўшаб кетди. Герман бағри-тош, эолим, ахлоқсиз одам эди. У — ўғри. У отасининг, ҳатто менинг ҳам пулларим-ни ўғирларди. У мистер Жеф-ферсоннинг ўғли эканига ишониш қийин. Мистер Жеф-ферсон ажойиб инсон: бутун умри давомида ҳеч қандай ёмон ишга қўл урмаган.

Унинг ҳужуми мени бир-мунча ошириб қўйди.

— Хўш, майли, раҳмат. Мистер Жефферсон учун қў-лимдан келган ҳамма нарса-ни қиламан, омадим келиши-га умидворман.

У имзо чекилган чеклар орасидан биттасини олди.

— Мистер Жефферсон билан шартномамизга кўра оладиган хизмат ҳақингиз. Қачон кетишингизни айтсан-гиз, тайёрага патта ҳозир-лаб қўяман. Агар яна пул керак бўлса, марҳамат, ай-таверинг.

Чек минг долларга берил-ган эди.

— Мен бунчалик кўп та-лаб қилмайман. Уч юз дол-лар етар эди.

— Мистер Жефферсон шундай буюрдилар, — деди Жанет гўё гап беш доллар ҳақида кетаётгандай.

— Майли, пулдан ҳеч қа-чон бош тортмайман. Сиз мистер Жефферсоннинг иш-ларини олиб борасизми?

— Мен унинг котибаси-ман, — деди у қуруқгина.

— Хўш, майли, — нима дейишимни билмай, ўринсиз пўнғилладим: — кетишим ол-дидан сиз билан боғланаман.

Лекин ҳали эшикка етиб бормасимдан:

— У жуда гўзалми? — деб сўраб қолди.

Аввалига ҳеч нарса ту-шунмадим ва диққат билан унга тикилиб қолдим.

Жанет қимирламай ўти-рар, кўзларида эса чуқур қизқиш зоҳил бўлиб, унинг маъносини дарҳол аниқлай олмадим.

— Унинг хотиними? — де-дим фаҳмига етганимдан сўнг. — Хитойлик аёллар ан-ча кўҳлик бўлишади. У ҳақ-то ўликларида ҳам шундай-лигича қолган.

— Тушунарли. У ручкасини олиб, чек дафтарчасига қўл узатди. Бу унинг хайрлашгани эди.

(Давоми кейинги сонда).



олмасак, уни нега ўлдирган-лари ва қотил кимлигини аниқлашимизга ақлим бо-вар қилмайди. Шунинг учун, Гонконгга бориб, у ҳақда бирор нима билишга уриниб кўришингизни истайман. Бу осон эмас, лекин Ретник бу билан шуғулланмайди, Бри-тания полицияси ҳам ортиқ-ча ташвиш чекаётгани йўқ. Ўйлайманки, бу иш қўлин-гиздан келади. Мен эса сиз-ни маблағ билан таъминлаш-га тайёрман. Хўш, сизнинг фикрингиз?

Бу таклиф менга маъқул-дай кўринди, лекин дабду-рустан уни бажаришга ки-ришиб бўлмасди.

— Бориб келаман, бироқ бундан ҳеч нима чиқмаслиги мумкин. Аммо бу ерда ўти-риб, фол очишдан ҳам наф йўқ, имкониятларимиз катта эмас.

— Борингда, котибам би-лан гаплашиб олинг. У сиз-га ўғлимнинг хатларини кўр-сатади. Эҳтимол уларнинг фойдаси тегиб қолар. Қў-лингиздан келадиган ҳамма ишни қиласиз-а, мистер Рейн? — хайрлашар экан, у бошини сал силкиб қўйди. — Мисс Вест йўлак бўйлаб, ўнг томондаги учинчи хонада ўтиради.

— Сиз дарҳол жўнаб ке-лишимни истасизми? Рет-никни огоҳлантирмасдан ту-риб, бунинг иложи йўқ.

— Мен ундан сизни уш-лаб, вақтингизни олмаслигини илтимос қиламан. Бўшаши-гиз биланок, жўнаб кетаве-ринг. Бўшлиққа хорғин бо-қар экан, у оғир ўй-фикрлар оғушида яна курсига ёнбош-лади.

Жанетни мен катта, иш-

чиқариб, унга ҳам таклиф қилдим, рад этган, ўзим че-ка бошладим. — Мистер Жефферсон сизда ўғлининг қандайдир хатлари борлиги-ни айтди. Узук-юлуқ бўлса ҳам ҳар қандай ахборотнинг фойдаси тегиши мумкин, ҳеч нима билмай туриб, у ерга боришдан наф йўқ.

— Хатларни тайёрлаб қўй-ганман.

У стол тортмасини очиб, олтига хат чиқарди.

— Герман йилига фақат бир марта хат ёзарди. Мак-туб жўнатишдан жойдан бў-лак бошқа бирор маълумот олмасиз, деб қўрқаман.

Хатлар ўта қисқа ёзил-ганди. У ҳар бир хатида ўтиниб пул сўрарди. Герман сўзга чечан эмас, пулдан бошқа нарсани ўйламайдиган одамга ўхшар эди. У шунча-ки, соғ-саломатман, ишлар кўнгилдагидай эмас, деб ёзар ва отасидан тезроқ пул юборишни сўрарди. Биринчи хат беш йил олдин, кейин-гилари бир йил ўтказиб ёзил-ганди. Охирги хат мени қи-зиқтириб қолди. У ўтган йи-ли ёзилган эди.

«Самовий салтанат» меҳ-монхонаси, Вэнчай

Қимматли ота!

Мен бир хитойлик қизни учратиб қолдим, унга уйла-моқчиман. Унинг исми Жо-Эн. Ҳаётини оғир бўлган, қо-чоқ, лекин ёқимтой, ақлли ва мен ёқтирадиган аёллар тои-фасидан. Бу янгилик сени хурсанд қилмаслигини билиб турибман. Лекин сен доим мустақил бўлишлигим керак-лиги ҳақида гапирардинг, шунинг учун унга уйланиш-га қарор қилдим. Мен жур-

Хизматларда

ЖҚ

ЎРГАНГАН КҮНГИЛ...

17 ёшида илк бор қора курсига ўтирган Рустам Муҳаммадиев қинғир йўлдан қайтиши керак эди. Аммо...

У мустақил ҳаётга қадам қўймасданоқ ҳалол яшаш, пешона тери тукиб меҳнат қилишдан қўра кимларнингдир шахсий мулкни қандай қилиб бўлмасин ўзиники қилиб олиш ҳақида бош қотирарди. Бу каби ўй-хаёллар уни жиноят кўчаси томон тобора яқинроқ олиб борди.

...Ўғирлик устида қўлга олинган Р. Муҳаммадиев 1990 йилнинг апрель ойида ўзи туғилиб ўсган Тошкент шаҳар Бектемир райони халқ суди томонидан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Лекин суд ҳайъати инсонпарварлик нуқтан назаридан унинг ёшлиги ҳамда тавба-тазарруларини ҳисобга олиб жазони енгиллатди. Қамоқ жазоси, шартли равишда 2 йиллик мажбурий хизмат билан алмаштирилди.

Рустам бундан тўғри хулоса чиқариб олиши мумкин эди, албатта. Бироқ ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан.

Икки йиллик синов муддатининг тугашига бир ой қолганда, у ўз атрофига тўплаган ҳамтовоқлари билан аввалгисига нисбатан анча жиддий жиноятга қўл урди.

Улар анча вақтдан бери машина олиб қочиш орзусида пайт пойлаб юришарди.

Бир куни Рустам дўстлари Дилмурод Мўминов, Радик ва Рустам Давлетовлар билан «Водник» даҳаси кўчаларини кезишаркан шундай «ўлжага» дуч келганидан суюниб кетишди. 57-уйнинг йўлаги олдида А 55-38 НИ давлат рақамли «ВАЗ-2106» бегили автомашина турарди. Йигитлар қулай вазиятдан устамонлик билан фойдаланишди. «Жигули»нинг ойнасини бузиб, ўт олдириш симларини бир-бирига улаб, «Бинокор» посёлкаси томон олиб қочишди. Чирчиқ дарёсининг хилват жойига боришгач, машинанинг барча зарур эҳтиёт қисмларини ечишди. Жиноят изини яшириш мақсадида машинага бензин сепиб ёқиб юборишди.

Рустам бу билан чекланмади. У Бектемир районининг Лихачёв кўчасида жойлашган 1-сон мева-сабзавот дўкони ёнида турган «Горизонт» ширкатига қарашли «ИФА-50» тоифали машинани кўрдию оромини йўқотди.

Давлат рақами 36-70 ТНН машинага унинг шунчалик ишқи кетди-ки, кўпам ўйлаб ўтирмасдан кўзини чирт юмиб, олди-ю қочди. Аммо бу сафар Рустамга омад кулиб боқмади.

Оқибати маълум. Яна қора курси, яна суд. Бу гал ҳамтовоқлари билан биргалликда турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди.

Сирождин БЕК.

ОҚЛОВЧЕНИ КИМ ОҚЛАЙДИ?

Ўн уч рақами ҳар доим омадсиз саналиб келинади. Ростки, кимга қандай билмадим-у, аммо Сирдарё вилояти адвокатлар ҳайъатининг аъзоси М. Жўраев учун бу рақам бир умрга эсда қоладиган бўлди.

Маҳмуд хизмати юзасидан шахсни оқлаш лозим. Табиийки, унга мурожаат қилувчилар анчагина. Мана шундай иш тушиб мурожаат қилганлардан бири Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 125-моддаси 3-қисми билан айбланаётган М. Жабборов. Бироқ адвокатимиз унинг оғир аҳволга тушиб қолганидан фойдаланиб қолмоқчи бўлди.

Аёл у ёққа югурди, бу

ДАН

ёққа югурди аранг 4 минг сўм топди. Лекин адвокат 6 минг сўм топасан, вассалом деб сўзида туриб олди. Аёл яна таниш-билишларига зинғиллади. Ҳеч кимдан пул чиқмагач оқловчига ёлвора бошлади. У эса икки оёғини бир этikka тикканча, бир тийинга ҳам ён босмади. Бу каби муомаладан безган М. Жабборов «хап, саними», дедию, Сирдарё вилояти ИИБга дардини ёрди. Ўша куни 13 июлда 4000 сўмни санаётган оқловчи М. Жўраев жиноят устида ходимлар томонидан қўлга олинди.

Энди оқловчини ким оқлайди?

Одам бўлиш қийин...

ной Олимжоновани уриб кетган йигитчанинг на ҳайдовчилик гувоҳномаси на ишонч қоғози бўлиб машина ҳам унга тегишли эмаскан. Уловнинг ҳақиқий эгаси Ш. Шамсиева ўғлининг бу бебошлигидан тамоман беҳабар, бу вақтда ишхонасида экан. Тиббиёт ходими, «Бебош» ўғил ҳам тиббиёт олийгоҳининг толиби.

Мазкур иш билан шуғулланган шаҳар ИИБ ДАНБ терговчилари фактларни ўрганиб, айбдорни маъмурий тарзда жазолашни лозим топдилар. Хужжатлар район ДАНБсига қора кўриш учун юборилди. Қандай чора дерсиз? Ўзига тегишли машина рулини бирон бир ҳужжатсиз ўғлига бергани учун онаси Шоҳида Шамсиевага 20 сўмдан 50 сўмгача жарима (ахтимол 25 сўм тўлар). Машинани ҳужжатсиз бош-

қаргани учун Жаҳонгир Шамсиевага (уриб юборгани учун эмас) 30 сўм жарима солинаркан. Аммо бир неча марта расман қақирлишига қарамай ДАНБга қадам босишмаган.

Ана жазо-ю, мана жазо. Ҳатто аёлнинг бир инграганию, томчи кўз ёшига ҳам арзймайди. Албатта, бу ДАНБ ходимларининг айби эмас. Айб яна қонунга бориб тақалади. Унинг мантисизлигига. Агарда мантис бўлганида тарозининг жазо палласи жиноят палласи билан тенг туриши керак эди-ку. Жазо палласининг оғирроқлиги эса фақат жиноятларни камайтирса камайтирарди-ки, зиён етказмасди.

Ахтимол, менинг фикрларим «инсонпарвар қонун» тарафдорларига хуш келмас. Бироқ ҳар нарсга ўз

қадрини топгани маъқул. Ушбу воқеада эса аминман-ки, қаттиқроқ жазо қўлланиши керак эди. Ваҳоланки, жазонинг 30 сўмлик қиймати Жаҳонгирнинг қилган ишидан пушаймонлик у ёқда турсин, ўйлашга ҳам туртмайди. Хўш, одам ўз ҳатти-ҳаракатини мушоҳада қилмаскан эртага унинг яна бир кимсани қақшатмаслигига кафолат борми? Ҳа, йўл чеккасида йиқитиб юборадия ҳатто ёрдам беришни ҳам эп кўрмайди. Ўзи тиббиёт ходими бўлиш арафасидаги одам-а.

Назария билан амалиёт нақадар бизнинг маорифимизда қарама-қарши нарсалар. Назарий билсанг, ўқидинг ҳисоб. Майли, фикрларни чуқурлаштириб, фалсафана либос кийгизмай турайлик.

Яна жабрланувчи ва айб-

18.000 ўғирланди

Чирчиқ. Биз жиний воқеа устидан чиқиб қоламиз, деб ўйламаган эдик.

Даъфатан, шаҳар ички ишлар бўлими навбатчиси телефони жиринглаб қолди. — Эшитаман, — деди сержант.

Унинг авзойига разм соламиз. Милиция сержантининг юзлари дарҳол ўзгарди ва жиддийлашди.

— Шошманг, батафсилроқ гапиринг...

Маълум бўлишича, шаҳарнинг 3-микрорайонидаги 61 уй, 57 квартирада ўғирлик содир бўлибди. Тезкор гуруҳ аъзолари — терговчи, милиция капитани Мўминбек Қаймов, ЖҚБ ходими, милиция лейтенанти Тўлабой Имомалиев, изолувчи мутахассис, милиция кичик лейтенанти Саидмавлон Иноғомов, милиция сержанти Асилбек Шариповлар шу заҳотиёқ йўлга отландилар. Ҳадемай гуруҳ жиноят содир бўлган ерга етиб келди.

Уй соҳибаси 87 ёшга кирган момо — Татьяна Васильевна Дронова терговчига ўзи билган маълумотларни айтиб берди.


Гап мазмунидан қуйидагилар маълум бўлди: бир неча кун муқаддам Т. В. Дронова ўзининг бир хонали уйини зарурат туфайли 15.000 сўмга сотган. Қўл учиди йиғиб юрган «беш тангаси»ни унга қўшиб, — ахлит 18 минг қилиб дивани остига яшириб қўйибди. Кампирнинг сўзларига қараганда, баъзи бир шахслар олди-сотди воқеаларидан хабардор бўлган.

Куни кеча момо «нафас» олиш учун иккинчи қаватдан ҳовлига тушибдилар. Қўни-қўшнилари билан бирикки соат «валақлашиб» ўтирган. Бир маҳал уйга киришса ҳаммаёқ бесаранжом. Кампирнинг юраги «шув» этиб кетади. Жон ҳолатда диванга ташланади... Э, воҳ, 18.000 сўм қўйилган жойида йўқ эди.

Биринчи сўровлардан сўнг айрим гумонлар пайдо бўлди. Гумон ўз йўлига. У ишотланган тақдирдагина далилга айланади.

Дастлабки тергов бошланди. Тезкор гуруҳ аъзолари бу воқеани очиш унча қийин эмас демоқдалар. Буни яқин келажак кўрсатади.

Х. УМАРОВ.



СУРАТДА: терговчи, милиция капитани М. Қаймов керакли маълумотлар тўпламоқда.



● ЖҚБ ходими, милиция лейтенанти Т. Имомалиев ўғирлик содир бўлган уйнинг соҳибаси Т. В. Дронова билан суҳбатда.



● Из олувчи мутахассис, милиция кичик лейтенанти С. Иноғомов бармоқ излари, ашёвий далиллар йиғмоқда. Суратлар муаллифи Х. ШОДИЕВ.

Воқеа шу йилнинг февралда бўлиб ўтган. Ўша куни жума эди. Турсуной опа ҳаёт ташвишлари билан кўчага отланди. Шукр Бурҳонов кўчаси ёқалаб аста одимлаб бораркан орқасидан нимадир қаттиқ туртиб юборди. Йўл четига инқиллаганча йиқилган аёл катта тезликда учиб кетаётган машинани аранг илғади. Хайрият, бахтига яхши одамлар бор экан. Мирзо Улуғбек райони ИИБ ДАНБ ходими И. Маҳкамбоев Турсуной опани икки йўловчининг қўлига топширди-да, номард қочоқни қувишга тушди. Бир неча кўчадан сўнг шиддат билан ўрмалаётган машинани кўрди. Таъқибни сезган «қочоқ» тезликни янада оширди. Аммо йўлнинг қувурлар ўтказилаётган жойи панд берди.

И. Маҳкамбоев уни воқеа жойига келтирди. Зум ўтмай шаҳар ИИБ ДАНБ ходимлари ҳам етиб келишди. Жабрланувчи касалхонага ётқизилди.

Маълум бўлишича, Турсу-

дорга қайтамиз. Аёлни уриб юборган Жаҳонгир уни қандай жароҳат олганидан, табиийки, хабардор бўлиши мумкин эмасди. Жароҳатлари ўта оғирроқ ҳам бўлиши мумкин эди. Нега бўлажак тиббиёт ходими уни шу аҳволда ташлаб қочдийкин? Қўрқдимиз? Шундай ҳам дейлик. Хўш, жабрдийда касалхонага ётқизилгач-чи? Нега эртасига, ундан кейин бир бор ҳолидан хабар олишга ярамади. Нима иш қилиб қўйганини ўз кўзи билан кўрмади? Ахтимол муштипар, намозхон, умрида касалхона кўрмаган кекса аёлнинг таҳорат оломай, шароитига кўниқолмай сиқилиб ётганининг жонли гувоҳи бўлганида жон оғриғи нақадар азобли эканлигини, касалхонада ётиш уйда ётишга қараганда бошқачалигини ҳис қилармиди? Кейинчалик қабулига келадиган беморларга сал омондан тушиб муомала қилармиди?

М. ИБРОҲИМОВА.

Хар соҳада

Кулганга кенг дунё

БАЛИҚ ЁҒИ СОТИБ ОЛАМИЗ

— Уғлим, кунига бир қошиқдан балиқ ёғи ичиб турсанг, даданг пул йиғадиган қутичанга 20 тийиндан ташлаб туради,— деди она.

— Кейин йиғилган пулларга нима олиб берасиз?— сўради ўғил.

— Унга яна балиқ ёғи сотиб оламиз.

«БОШҚА ҚУЛЛАРИМ ЙЎҚ»

Тўрт ёшли Содиқдан тарбиячи сўради:

— Боғчага нега кир қўл билан келдинг?

— Булардан бошқа тоза қўлларим бўлмаса нима қилай?

ҚУНҒИРОҚЛИ СОАТ

Тўрт ёшли Солижон ҳовлида юрган хўрозни кўрсатиб деди:

— Анаву бувимнинг жиринглайдиган соатлари.

ЯШИРИНИШМАЙДИ

Аваз боғчадан қайтган, отасига деди:

— Дадажон, дарахтлар нега одамдан катта бўп кетишини биласизми?

— Билмайман,— деди ота ўзини соддаликка солиб.

— Чунки дарахтлар ёмғирдан яширинишмайди.

ЖАВОБИ: ДУРАНГ

Ўқитувчи доскага «2:2» ёзиб, олдинги партада ўтирган ўқувчидан сўради:

— Менга мана шу мисолнинг жавобини айт-чи!

— Дуранг!— жавоб қилди ўқувчи.

ТОВУҚ ГУЛЛАБДИ

Хайвонот боғида сайр қилиб юрган Анора тустовуқни онасига кўрсатиб деди:

— Ойижон, қаранг, товук гуллабди!

ҲАЛИ ТАНИШГАНИМ ЙЎҚ

— Нилуфар, мана бу қанақа ҳарф, биласанми?— сўради ўқитувчи биринчи синфда ўқийдиган қиздан:

— Айтолмайман, чунки у билан ҳали танишганим йўқ.

КАМ УЧРАЙДИГАН ҲАЙВОН

Ўқитувчи Илҳомдан сўради:

— Оврүпода кам учрайдиган уч ҳарфдан иборат хайвоннинг номини айт-чи?

— Шер.

— Ахир биласан, шер Африкада яшайди.

— Шунинг учун ҳам у Оврүпода кам учрайди-да.

ТАБИАТ ДАРСИДА

— Боғдаги пишган олмаларни қайси вақтда териб олса бўлади?— сўради ўқитувчи.

— Қоровул ухлаганда-да!— жавоб қилди ўқувчи.

КЎЗГА КЎРИНМАЙДИ

— Дадажон, расмларим сизга ёқдими?

— Жуда чиройли чизибсан, баракалла. Аммо мен сенга кўпқаватли уйдан ташқари унда яшайдиган одамларни ҳам чизгин, деб айтмоқчимми?

— Айтудингиз. Бу расмда одам кўп. Улар уйлари ичида ўтиришгани учун ҳам кўзга кўринмаяпти-да!

КИМ РАҲМАТ АЙТАДИ!

— Бувижон, мушугимиз ҳо-

зир аксирди.

— Сен унга «Соғ бўл!» дедингми?

— Йўқ.

— Нега?

— Агар мен унга соғлик тиласам, ким менга «рахмат» дейди?

ТИШИ БОРМИ?

— Ойижон, мана бу қичитки ўтми?

— Ҳа, унга яқин борма, «тишлаб» олади-я!

— Нима, унинг тиши борми?

БЕНЗИНИ ҚАНАҚА!

Шаҳардан қишлоққа таътилга келган Фаёз бобосидан сўради:

— Бобожон, анави отлар қанақа бензин билан юради?


СЕЗМАЙ ҚОЛИБМАН

— Зокир ака, қаранг, қўлингиздан китобингиз тушиб кетди,— деди Дилбар акасига.

— Ўқишга жуда берилиб кетганимдан бунга сезмай қолибман-а,— ўзини оқлади Зокир.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

ҚИДИРИЛМОҚДА



Тошкент шаҳар М. Улурбек райони ИИБ томонидан, 1970 йил 23 декабрда туғилган Тошқулов Мирҳожидин Махаматович қидирилмоқда.

У Фарғона вилояти Марғилон шаҳар, Тинчлик кўчаси 36-уйда яшаган.

Маълумотларга қараганда Тошқулов М.М. охири пайтларда Тошкент шаҳар Луначарский шоҳ кўчаси, 403-уйда истиқомат қилган. У 1992 йил 2 май куни уйдан чиқиб қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 178 см; гавдаси ўртача; сочлари қора, текис, калта; юзи чўзинчоқ, қирра бури; мўйлови бор; тишларининг бари бутун; қулоғи катта.

Кийимлари: куйлаг, шими, пойабзали қора.

Асосий белгилари: чап оёғининг тиззасидан пастда 3 см, ли ва бошида 2 см, ли жароҳат излари бор.

У ҳақда бирор бир маълумотга эга кишиларни 67-72-75 ёки 02 телефонларида қўнғироқ қилиб билдиришингизни сўраймиз.

ЭЪЛОН

Қўқон коммунал техникумидан Усмонова Озода Воҳидовна номига, 1980 йилда берилган № ВГ-1 № 512341 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район 196-ўрта мактаб томонидан Носиров Фозилжон Шукоровичга берилган № 037390 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати бошқармаси бошқарма ходими, милиция катта лейтенанти Б. У. Эгамбердиевга отаси

Ўрозиддин ЭГАМБЕРДИЕВнинг

вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЖАННАТМАКОН

«ОЙБУЛОҚ»



СУРАТЛАРДА: Дам олиш маскани ҳаётдан лавҳалар. Муаллиф олган суратлар.



Қашқадарё вилояти бўйлаб ижодий сафаримни тугатиб, Тошкентга қайтмоқчим эдим. Ташвишлар билан бўлиб, сафарқоғозимга муҳр қўйдириш ҳаёдан кўтарилибди. Чироқчи тумани ички ишлар бўлими бошлиғи Сиддиқ ака Хонкелдиевнинг ҳузурига кирдим. Сиддиқ ака гап орасида «Хўп десаңгиз, бутун «Ойбулоқ» болалар дам олиш масканига борардинг»,— деб қолдилар. Йўқ демадим.

Эски, мурватлари ўйнаб қолган машинада йўлга тушдик. Йўллар ҳам ҳалигидақа бўлганлиги учун зўр-базўр кетаямиз.

— Техника етишмайди. Эскиларини ямаб юрибмиз. Начора, йўқдан кўра бор дейдилар-ку.

Нима ҳам дердим. Бошлиқнинг ўзини қабул қилдим. Орадан ҳийла вақт ўтиб, «Ойбулоқ»қа етиб келдик. Баҳайбат тоғлар, қорли чўққилар, шовуллаган сой, қушлар чуғур-чуғури, турфа гулларнинг айқашиб кетган ажиб таровати... Буларнинг барчасини қоғозда тасвирлаш жўн эмас. Бир келиб кўрган билади, фақат.

Лагер ҳовлисидаги боғда мевалар шигил пишган, ўртадан чизикдек тортилган сойнинг сирли сеҳрига тавсиф йўқ! Баланд, мустаҳкам қоялар пойида дам олиш хоналари. Чўмилиш ҳавзаси, шинам қурилган спорт майдончалари, ҳамма-ҳаммаси бу ерда дам олаётган болаларнинг ҳузурли жони.

Болалар дам олиш маскани бошлиғи Абдумуталлиб Юсупов менга қуйдагиларни гапириб берди:

— Ҳозирги кунда 120 нафардан ортиқ милиция ходимларининг ўғил-қизлари ёзги таътил кунларини шу ерда ўтказишяпти. Лагернинг бино бўлганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шарт-шаронтимиз жуда яхши. Мар-

ҳамат, болалар билан бирга бир айланиб келинг, ўзингиз амин бўласиз.

Шундай қилдим. Болаларни тарбиячи опалари бошчилигида суратга олдим. Тарбиячилар — Нодира Туркманова, Гулнора Шукурова, Дилфуза Алиевалар Қарши давлат дорилфунунининг талабалари экан. Сухбатимизга Шаҳрисабз тумани ИИБ ДАН бошлиғи Тошқувват Усанов, Чироқчи тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари Муродилло Равшановлар қўшилишди. Улар ўз оталигидаги ушбу оромгоҳдан тез-тез хабар олиб туришаркан.

Тошқувват аканинг айтишича, лагер Қашқадарё вилоятининг ички ишлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган (ҳозирда Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи) Насриддин Исмоиловнинг ташаббуси билан ҳашир йўлида бунёд этилган экан. Насриддин ака ўзи бош бўлиб, қурилиш ташкилотларидан, туман раҳбарларидан қайта-қайта илтимослар қилиб, югуриб-елиб қурдирган экан.

— Қурилиш битай деб қолган эди,— дея эслайди Т. Усанов.— Тушлик қилаётгандик. Овознигирдан севимли хонанда Замира Суёнова «Ойбулоқ» қўшиғини ижро этаётган эди. Шунда Насриддин ака бирдан лагернинг номини «Ойбулоқ» қўямиз деб қолдилар. Ҳаммамиз маъқулладик.

Ҳа, яхшининг номи, қилган иши одамлар дилида қоларкан.

Бугунги кунда «Ойбулоқ» болалар хизматида. Ота-оналар мамнун. Лагер қучоғидан чиқаётган шўх-шодон овозлар тоғларга урилади. Дунёнинг ташвишлари унутилган. Доимо шундай бўлсинда!

Жўра БОБОРАҲМАТ, журналист.

* Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт. * Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. * Муаллифнинг жулҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин. * Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти «Шарқ»

нашриёт-матбаачилик концерни босмахонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-26-56, мухбирлар бўлими — 59-20-82, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир — Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Г. Лопатин кўчаси, 1.